

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И.МЎМИНОВ НОМИДАГИ  
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқи  
УДК.17.0(575.1)

**АМАНЛАЕВ АБДУРАСУЛ ХАКИМОВИЧ**

**ИБРАТНИНГ ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА  
ТУТГАН ЎРНИ**

09.00.05 – Этика

**Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим  
этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2012**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтининг Ижтимоий фанлар кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: фалсафа фанлари доктори  
**Очилова Бахти Муродовна**

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори, профессор  
**Махмудов Тилаб**

фалсафа фанлари номзоди, доцент  
**Муҳаммаджоннова Лаълихон Ашуралиевна**

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси 2012 йил 24 май соат 14<sup>00</sup> да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.02.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: 100095, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Фаробий кўчаси 16 уй, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Маданият саройи кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил \_\_\_\_\_ ойининг \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

Авторефератга ёзилган, муҳр билан тасдиқлаган тақризларингизни Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котибига юборишингизни сўраймиз (Манзил: 100095, Тошкент ш., Талабалар шаҳарчаси, Фаробий кўчаси 16 уй, ЎЗМУ фалсафа факультети биноси, 319-хона).

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий котиби,**  
**фалсафа фанлари доктори, профессор** **Д.Т. Норкулов**

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги тараққий этган анъанавий давлатлар турмуш тарзига, ҳаёт даражасига, иқтисодий ривожланиш кўламига назар ташласак улар ўзларининг тарихий, миллий урф-одатлари, кадриятлари, дунёқарашлари ва диний эътиқодлари ўз миллий менталитетига мос равишда давлатчилик тизимини яратганлигининг гувоҳи бўламиз. Ана шу маънода биз бугун "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" дадил одимлаётган эканмиз мамлакатимиз ривож, ҳалқимиз истикболи нафақат моддий-иқтисодий омилларга, балки маънавий -ахлоқий омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини ҳам чуқур ҳис қилмоқдамиз.

Бинобарин, “одамларимиз ўзгариб, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу, тафаккури юксалиб, ён – атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани мисолида кўриш, англаш қийин эмас”<sup>1</sup>.

Тарихий меросимиз миллий кадриятларимизнинг ҳаётбахш тамойилларини турмуш тарзига сингдириш улуғ салафларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятдан ибрат олиб яшашга интилиш ҳар бир жамиятимиз фуқаросининг турмуш тарзининг ҳаётий маъносига айланиб бормокда. “Бунинг боиси - аввало, эл-юртимизнинг қандай бой тарих ва маданий -маънавий меросга эга эканлигида, унинг интеллектуал салоҳияти ва илдизлари нақадар чуқур эканида...”<sup>2</sup>.

Собиқ мустабид тузум даврида ана шу буюк меросимизни ўрганиш ундан ибрат олиб яшашга изн берилмади. Хусусан, инсон табиатига ҳос бўлган мақсад сари интилиш ва ўз-ўзини маънавий юксалтиришга таъсир этувчи, унга рағбат берувчи куч-ибратга ҳам беписандлик билан қаралди.

Миллатнинг манфаатлари инобатга олинмаганлиги, лоқайдлик, ажодлар меросига нисбатан ибрат ва ихлоснинг деярли сўнишига олиб келди.

Ана шу сабаблар туфайли ахлоқимиз, маънавиятимизга ёт назар билан қараш кишиларда одағий ҳолга айланиб, ахлоқшуносликка оид тушунчалар таркибида ибрат ҳақида деярли фикр, ғоя берилмади. Истиклол туфайли бу каби салбий иллатларга барҳам берилган бўлса-да, ибратни илмий истеъмолга киритиш, уни ахлоқий категория сифатида тадқиқ этиш масалаларига ҳали-ҳануз жиддий эътибор берилмапти.

Ҳолбуки, юртбошимиз И.А.Каримов томонидан миллий маънавиятимизнинг қўш қаноти бўлган миллий ғоя ва мафқурани ривожлантириш бўйича ижтимоий соҳа олимлари олдига қўйилган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш –мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. - Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - Б.41.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йулида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Т. 18. –Тошкент: Ўзбекистон, 2010.Б-96.

вазифалар ичида ибратни тадқиқ этиш ҳам мавжуд.

«Энди, — деб таъкидлаган эди И.А.Каримов, — ижтимоий соҳа олимлари, мутахассислар, илғор фикрли зиёлилар бу борадаги изланишларни чуқурлаштириб, умумлашган назарий хулосаларни ишлаб чиқишлари...»<sup>1</sup>, халққа мазкур масалаларни содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб беришлари лозим.

Шунга кўра, юксак инсоний фазилатга эга бўлган шахсни вояга етишининг асосий омилли бўлган ибратни инсон маънавий-ахлоқий камолотидаги ўрнини тадқиқ этиш ўз моҳиятига кўра ҳаётий масалага айланди.

Айни пайтда, мазкур масалани ўрганиш нафақат илмий нуқтаи назардан, шу билан бирга, ижтимоий амалиёт, таълим-тарбия жараёнини йўлга қўйиш, кишиларда мулоқот маданияти, шарқона одоб-ахлоқни камол топтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагиларга асосланиб, мазкур мавзунинг долзарблигини аниқлаш куйидаги жиҳатларни кўрсатиш мумкин:

**Биринчидан**, ибратни ахлоқий категория сифатида илмий истъомолга киритишнинг назарий асослари, тарихий, ижтимоий-фалсафий илдизларини кўрсатиб беришга эҳтиёжнинг ортиши бугунги кунда этика фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

**Иккинчидан**, ибратни ахлоқий категория сифатида шаклланиш эволюцияси унга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш заруриятини юзага келганлиги туфайли, уни ўрганиш, изчил равишда таҳлил этиш долзарб ҳисобланади.

**Учинчидан**, ибратнинг исломий қадриятлар билан алоқадор бўлган маънавий-маърифий асосларини ўрганиш бўйича фундаментал тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаганлиги боис ушбу мавзунини ўрганиш муҳим аҳамиятга моликдир.

**Тўртинчидан**, илм ва илмли шахсларнинг ибрат тимсоли сифатида шахснинг маънавий-ахлоқий камолотига таъсири масалалари етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли шахс камолотида илм ва илмли шахсларнинг ибратли ролини асослаш орқали ёшлар ижтимоий қиёфасини шакллантиришга йўналтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Бешинчидан**, инсоннинг ижтимоий қиёфасини шакллантиришда ибратга илмий жамоатчилик томонидан қизиқишнинг ортиши ҳам аҳамиятлидир.

**Олтинчидан**, шахснинг ибратга муносабати глобал ўзгаришлар шароитида ўзига хос компонентларга эга эканлигини илмий-назарий асослаш, бу муаммага турли ёндашувларнинг шаклланиб бораётганлиги ва уларни ягона тизимга келтириш долзарб муаммолардан биридир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хушёрликка даъват. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги муҳбирининг саволларига жавоб. — Тошкент: Ўзбекистон, 1999. — Б. 24-25.

**Еттинчидан**, ибрат ва таклид тушунчаларини фарқлашдаги муаммоларнинг мавжудлиги каби ўз ечимини кутаётган масалалар тадқиқот ишининг долзарблигини аниқлатади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзу ижтимоий-гуманитар фан вакиллари, шунингдек, файласуф олимлар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мавзунинг муайян тадқиқотларга алоқадор айрим жиҳатлари қараб чиқилган, холос. Аммо унга дахлдор мавжуд тадқиқотларда кўпинча тарқоқлик ва турлича ёндашувлар мавжуд.

Ана шундай ҳолатни Европа классик фалсафаси намояндалари қарашларидан тортиб, ҳозирги замон Ғарб олимлари изланишларида кузатиш мумкин.

Шахс маънавий-ахлоқий фазилатларининг ибрат билан алоқадорлигини тадқиқ этиш мақсадида Ғарб ва Шарқ мумтоз файласуфлари, мутафаккирлари илмий, ижодий мероси қиёсий таҳлил этилган. Унинг ўрганилганлик ҳолати куйидагича кўзга ташланади.

Марказий Осиё мутафаккирлари: Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, М.Қошғарий илмий меросида инсон, унинг ахлоқий баркамоллигига алоқадор масалаларга оид илғор ғоялар асослаб берилган.

Ғарб мумтоз файласуфлари Гегель, И.Кант, А.Менц, С.Д.Франк<sup>1</sup> кабиларнинг мазкур масаладаги қарашларида ибратга мойил фазилатлар, бағрикенглик, қомусийлик, инсонга меҳр қўйиш каби ғоялар Шарқ фалсафий тафаккури билан ҳамоханлик касб этиш билан бирга, шахс маънавий-ахлоқий камолотига таъсир этувчи омиллар таҳлилида турли-туман ёндашувлар, жамоавийликка нисбатан индивидуализмнинг устуңлиги кўпроқ акс этганини кўриш мумкин.

Ҳозирги замон ғарб файласуфлари, социологлари ва психолог олимларининг шахс фазилатлари ривожини билан боғлиқ ўзига хос изланишлари мавжуд. Хусусан, Р.Пич, Ч.Х.Кулли, У.Рудольф, Ж.П.Сартр, Л.П.Гримак, Э.Дюркгейм, Э.Фром, Р.Хирау ва бошқаларнинг<sup>2</sup> тадқиқотларида шахс маънавий-ахлоқий баркамоллигида муҳим ўрин тутувчи категориялар, руҳий, ижтимоий жараёнлар ўрганилган.

Республикамиз илм аҳллари тадқиқотларида шахс маънавий-ахлоқий фазилатлари шаклланишига таъсир этувчи омиллар жиддий ўрганилган,

<sup>1</sup> Гегель Ф.В. Энциклопедия философских наук. Т.III. — М., 1977; Кант И. Сочинения в 6 т. Т. I, Ч. I; Менц А. Мусульманский Ренессанс. — М., 1997; Франк С.Д. Духовные основы общества: в ведение в социальные философии. — М., 1974.

<sup>2</sup> Пич Р. Понятие толерантности и его значение в политологии и сравнительном религиоведении / Материалы Международной конференции межрелигиозное согласие. — Ташкент: Ислам университети, 2002; Кули Ч.Х. Человеческая природа и социальный порядок. — М., 2000; Рудольф У. Ал-Мотуридий ва Самарқанд сунийлик илоҳиёти. — Тошкент, 2002; Гримак Л.П. Резервы человеческой психики. — М.: Политиздат, 1989; Дюркгейм Э. Ценностные и реальные суждения // Социологические исследования. — 1991. — №2; Ферам Э. Хирау. Предисловие к антологии. «Природа человека» / Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. — М.: Прогресс, 1990.

аммо ибрат масаласи фундаментал тарзда тадқиқ этилмаган, фақат унга дахлдор компонентлар қараб чиқилган, холос.

Хусусан, халқимизнинг тарихий аънавалари, маросим ва урф-одатлари билан боғлиқ жиҳатлари О.П.Умурзақова, Э.Юсупов, А.Мунавваров, О.Сафаров, М.Махмудов ишларида; миллий маънавият ва шахс ахлоқий камолотига таъсир этувчи ва уйғунлаштирувчи компонентлар, унинг ижтимоий ҳодисалар билан алоқадорлиги масалалари С.Ш.Шермухаммедов, Х.А.Шайхова, Қ.Назаров, М.Бекмуродов, М.Муродовларнинг изланишларида ўз ифодасини топган.

Баркамол авлод тарбиясини йўлга қўйишда оилавий муносабатлар маданияти, унинг ижтимоий-тарихий, маданий-маърифий жараёнлар билан тарихий алоқадорлиги, оила муҳитининг шахс маънавиятига таъсири муаммолари М.Холматова, Очилов С, Н.Комилов, О.Тўраева, Б.Очилова, О.Мусулмонова<sup>2</sup> изланишларида; шахс маънавий-ахлоқий камолотига табиат гўзаллиги, нафосат оламининг таъсири, шахснинг, инсоннинг яратувчанлигига ишонч руҳи назари билан қараш муаммолари Т.Махмудов, Э.Умаров, М.Имомназаров, Ғайбуллоҳ ас-Салом<sup>3</sup> ишларида ўз аксини топган.

Аммо юқорида қайд этилган тадқиқот ишлари, шахс маънавий-ахлоқий камолотида муҳим ўрин тутган концептуал масалалар маънавият ва ахлоқийлик нуктаи назаридан таҳлил этилган бўлса-да, бевосита ибрат муаммоси, унинг илмий-фалсафий талқини, ибратнинг шахс ва жамият ҳаётидаги ўзига хослиги деярли ўрганилмаган.

Энг муҳими, ибратнинг шахс ахлоқий масъулиятини юксалтиришдаги ўрни, ибратни тақлиддан фарқи ва ўхшашлиги каби муҳим ахлоқий категориал тушунчалар ҳам махсус илмий-назарий таҳлилга муҳтождир.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Жиззах давлат педагогика институти “Ижтимоий фанлар” кафедрасининг “Ҳозирги замон фалсафасининг долзарб фалсафий-методологик масалалари” номли илмий тадқиқотлари доирасига киради.

<sup>1</sup> Умурзақова О.П. Новые традиции в жизни и быту трудящихся Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 1984. – № 10. – С. 77; Юсупов Э., Юсупов У. Оила – маънавият булоғи. – Ташкент, 1994; Мунавваров А. Оила педагогикаси. – Ташкент, 1994; Сафаров О., Махмудов М. Оила маънавияти. – Ташкент, 1998; Шермухаммедов С. Ижтимоий тараққиёт ва маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири. – Ташкент, 1999; Шайхова М. Инсон ва унинг маънавий дунёси. – Ташкент, 1999; Назаров Қ. Аксиология – Ташкент, 1991; Бекмуродов М. Миллий менталитет ва маънавият. – Ташкент, 2002; Муродов М. Ўзбек кадриятлари. – Ташкент, 1996.

<sup>2</sup> Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. – Ташкент, 2000; Мусулмонова О. Маънавий кадриятлар – соғлом авлодни тарбиялаш воситаси. – Ташкент, 1995; Очилова Б. Шахс маънавий камолотида ихлосмандлик ва ибрат бирлиги. – Ташкент, 2004; Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Ташкент, 1996; Комилов Н. Комил инсон – миллат келажаги. – Ташкент, 2001.

<sup>3</sup> Умаров Э. Эстетика. – Ташкент, 2000; Махмудов Т. Эстетика и духовные ценности. – Ташкент, 1993; Имомназаров. Миллий маънавиятимиз назариясига чизилар. – Ташкент, 1998; Ғайбуллоҳ ас-Салом. Толибнома. – Ташкент, 1996.

**Тадқиқотнинг мақсади:** ибрат ва унинг шахс маънавий-ахлоқий камолотига таъсирининг ижтимоий-тарихий, фалсафий, маънавий-маърифий асосларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

- ибратнинг ахлоқий категория сифатида шаклланиш хусусиятларини кўрсатиш;
- ибрат, илм ва кадриятнинг шахс ахлоқий фазилатлари тақомилига таъсирини аниқлаш;
- шахснинг инсоний фазилатлари таркиб топишида майл, ҳавас, тақлид ва ибратнинг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш;
- глобаллашув жараёнининг шахс дунёқараши ва ахлоқига таъсир этувчи куч эканлигини асослаш;
- шахс маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланишида ибратга дахлдор кадриятлар, урф-одатлар, маросимлар ҳамда удум, таомилларнинг ўрни ва аҳамиятини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти:** ибратни ахлоқий категория сифатида шаклланиш хусусиятлари ва унга таъсир этувчи компонентларни аниқлаш.

**Тадқиқотнинг предмети:** шахснинг ахлоқий қиёфаси шаклланишида ибрат

билан боғлиқ объектив ва субъектив омилларнинг индивидуал тамонларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқот методлари.** Диссертацияда солиштириш, таққослаш, кузатиш, мантикий ҳукм, хулоса чиқариш, аналогия, индуктив ва дедуктив метод, таҳлил (анализ), синтез (умумлаштириш) каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий фарази.** Шахснинг ибратга муносабатининг шаклланишида ижтимоий, маънавий ҳамда мафкуравий омиллар таъсирининг илмий гипотезаси берилиб, уларнинг истиқболдаги шахс баркамоллигини таъминлашдаги вазифалари илмий-назарий жиҳатдан прогност қилинган.

#### **Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

• жамият ҳаётини демократлаштириш, мамлакатни модернизациялаш жараёни жадал суръатда ривожланаётган бир шароитда шахсда юксак инсоний фазилатлар, оила, миллат, давлат ва халқ олдидаги бурч ва ахлоқий масъулиятга онгли муносабатни шакллантиришда ибратнинг таъсирчан омиллари, унинг миллий менталитет билан боғлиқ жиҳатларини асослаш;

• ибратнинг ахлоқий категория сифатидаги мазмуни ва моҳиятини ахлоқшунослик фанлари тизимида атрофлича тадқиқ этиш;

• ибрат категориясининг ижтимоий-тарихий, маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий компонентларини, аждодларимизнинг табиий-илмий маънавий меросига мурожаат асосида илмий-назарий ҳамда

услубий жихатдан кўрсатиб бериш;

- шахснинг ибратга муносабатини шакллантирувчи компонентлар ҳисобланган эркинлик ва масъулиятнинг намоён бўлиш шакллари ҳамда уларнинг шахс амалий фаолиятидаги ўрнини, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни диалектик тарзда тавсифлаш;

- шахс фаолияти мотивларида ибратнинг рағбат берувчилик хусусиятларини илмий асослаш;

- глобал ўзгаришлар шароитида шахснинг ибратга муносабати масаласини таҳлил этиш.

**Ишнинг илмий янгилиги:** Тадқиқот ишида ахлоқшунослик фани доирасидаги ибрат, тақлид, маслак каби янги тушунчаларнинг илмий-назарий талқини асослаб берилган:

- ибрат категориясига илмий таъриф берилган;

- ибратнинг шаклланиш хусусиятлари, унинг ижтимоий-тарихий, маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий компонентлари курсатилган;

- шахсда ахлоқий фазилатлар камол топишида ибратнинг ўрни ва таъсири таҳлил этилган;

- илм ва илмли шахсларнинг инсон маънавий камолотига таъсирининг ўзига ҳослиги ёритилган;

- ибрат билан боғлиқ ҳаётий томоилларнинг моҳияти очиб берилган;

- ибрат билан тақлиднинг бир-биридан асосий фарқи, ўхшашлиги ҳамда унинг шахс масъулиятига таъсири илмий ва амалий жихатдан асосланган;

- шахс дунёқараши ва миллат ижтимоий киёфаси барқарорлигида ибратнинг функционал мақоми тадқиқ этилган;

- шахснинг ибратга муносабати шаклланишидаги ижтимоий, маънавий ҳамда мафкуравий омиллар давр эҳтиёжидан келиб чиқиб ўрганилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ибратга категориал тушунча сифатида унинг шаклланишини ижтимоий-тарихий, фалсафий асосларини тадқиқ этиш асосида инсон ва муайян шахс маънавий-ахлоқий камолотидаги ўрнини тавсифлаш, илмий, назарий ҳамда амалий жихатдан баҳолаш имконияти юзага келади. Тадқиқот ахлоқшунослик фанининг мазкур масаладаги муаммоларини изчил ва узлуксиз ўрганиш, унинг ҳозирги даврнинг глобал ходисалари билан уйғун ҳолда ривожлантиришнинг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ишда олинган натижалардан, шахс баркамоллигига таъсир этувчи илмий-фалсафий муаммоларни келгусида чуқурроқ ўрганиш, шахс маънавияти, бурчи ва масъулият уйғунлигини таъминловчи омилларни фундаментал тадқиқ этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги далилий материал,

амалий тавсиялардан олий ўқув юртларида Фалсафа, Ахлоқшунослик, Маданиятшунослик, Эстетика, Диншунослик асослари, Сиёсатшунослик каби фанлардан ўқув-услубий қўлланмалар, махсус курслар учун маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Оммани маънавий-маърифий ва ахлоқий тарбия ишларига сафарбар этиш халқнинг ибратли анъаналаридаги ахлоқий сифатларини кишилар руҳиятига сингдиришда муҳим ўрин тутувчи ижтимоий институтлар, нодавлат, нотижорат ташкилотлар, жойлардаги "Олтин мерос", "Маҳалла", "Ҳотин-қизлар кўмиталари", "Камолот" ЁИХнинг аҳоли ва ёшлар билан ўтказадиган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигини таъминлашда диссертация натижаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг илмий –назарий хулосаларидан Жиззах давлат педагогика институтида ижтимоий фанларни ўқитиш ва маънавий тарбия жараёнида, институт қошидаги ахборот гуруҳи, "Қадрият" тўғараги, Жиззах вилоят Маънавият ва маърифат маркази, Камолот ЁИХ Жиззах вилоят бўлимининг тарғибот ва ташвиқот ишларида, маҳалла ва меҳнат жамоаларида фойдаланилмоқда.

**Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси).** Диссертация А.Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти "Ижтимоий фанлар", "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари", "Умумий тарих" ва "Ўзбекистон тарихи" кафедраларининг кенгайтирилган конференциясида (2009 йил 10 сентябрь, 2-сонли баённома) муҳокама қилинган. Шунингдек, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ва ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти қошидаги Д.067.02.01 рақамли Бирлашган Ихтисослашган кенгаш ҳузурида ташкил этилган илмий-назарий семинар йиғилишида (2010 йил, 23 декабрь, 14-сонли баённома, 2011 йил, 29 сентябрь 6 - сонли баённома) муҳокама қилиниб, химояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертацияда баён этилган илмий-назарий хулосалар ва амалий тавсиялар муаллиф томонидан нашр этилган 1 та ўқув-услубий қўлланма, 15 та илмий иш, шундан 2 та ОАК талабидаги, 3 та бошқа журналларда (шу жумладан, 1 та халқаро) ва 10 та республика илмий-назарий анжуманларидаги илмий мақолаларида ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, етти параграфни ўз ичига олган учта боб, "Хулоса" ҳамда "Фойдаланилган адабиётлар рўйхати"дан иборат. Матнинг умумий ҳажми 143 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ.

Диссертациянинг "кириш" қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ишланганлик даражаси, диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг

мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий фарази, химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, ишнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми баён қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби "**Ибратнинг ахлоқий категория сифатида шаклланиш эволюцияси**" таҳлилига бағишланган бўлиб, у икки қисмдан иборат.

Бобнинг "Ибрат, унинг шаклланиши ва шахс ахлоқий фазилатига таъсирининг ижтимоий тарихий асослари" деб номланган биринчи параграфиди ибратни категориал ҳодиса сифатида шаклланиш хусусиятларини шахс маънавий-ахлоқий фазилатлари билан алоқадорликда тадқиқ этилган.

Айни пайтда тадқиқотда бугунги кунда кишиларни ибратга муносабати янги тарзда шаклланаётганлиги, бунинг замирида эса юртимизда эркин адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш жараёнида ижтимоий-сиёсий муносабатлар, одамлар онги таффақури, кайфиятида ўзининг тарихий ўтмиши, кадриятларига янги ёндашувни ҳаётий эҳтиёжга айлантираётганлигини, ана шу маънода ибрат масаласига унинг тарбиявий таъсирчан кучига ишонч руҳи жамиятимиз онгли фуқароларида ортиб бораётганлигини етарли далиллар билан асослашга ҳаракат қилинган.

Ибратни шаклланишининг табиий, тарихий ҳамда ижтимоий омилларини мазкур масалага алоқадор илмий асарлар, олимларнинг қарашлари нуктаи назарларини фалсафий мушоҳада қилиш асосида таҳлил этиб ибратнинг табиий-физиологик омилларини ибрат деб аташдек ҳатто айни пайтда юзаки мулоҳазалар сабабларини очиб берган, ибрат билан инстинктни фарқини ажратиб кўрсатилган.

Ибратни шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий компонентлар билан бир вақтда ибрат такомиллидаги акс таъсир унсурлари илм, ҳикмат, зехн, ақл, фаросатни ўрнини тавсифлашга ҳам ҳаракат қилинган.

Аждодларимизнинг илму-ҳикматга ибрат манбаи сифатида қараш ҳақидаги ўғитлари ғарб ва шарқ мумтоз файласуфлари илоҳиёт илми намоёндалари давримизнинг олимларини шахс ахлоқий фазилатлари ҳақидаги назарий қарашлари таҳлилидан келиб чиқиб, диссертант ибрат тушунчасига қуйидагича илмий таъриф берилди.

**Ибрат – инсон ва жамият ҳаётида табиий жараёнлар, ижтимоий ҳодисалар, диний, ахлоқий, бадий кадриятлар шаклида шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб, ҳар бир муайян шахс руҳиятига сингиб, ундаги инсоний фазилатларга сайқал берадиган ҳикматлар, анъаналар, кадриятларни ақлу заковат, фаҳм-фаросат уйғунлигида англашга бўлган табиий маънавий эҳтиёж мужассамидир.**

Ушбу таъриф мантигидан келиб чиқиб, тадқиқотда ибратнинг

феноменал ҳодиса сифатида ботиний ва зохирий хусусиятларини тавсифлаб унинг ботиний асоси инсон руҳияти, қалбидаги туйғуларда акс этса, унинг зохирий томони ҳаёт деган дорулфуннинг кўзгусида намоён бўлади, деган умумназарий хулосага келинди.

Тадқиқотда ибратнинг маънавий асоси ҳисобланган майл, иштиёқ, ҳавас, кизиқиш инсонларни бунёдкорликка, эзгу, хайрли, савобли ишларга ундаши илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

Тадқиқотдаги яна бир эътиборли жиҳати шундаки унда ибратни ворисийлик асосида авлоддан-авлодга ўтиши илмий-назарий ва амалий томондан асосланган. Мазкур бобнинг иккинчи параграфи, "Ислоҳ кадриятлари ва маърифатида ибрат масаласи" деб номланади. Унда ибратнинг ботиний хусусиятларини янада мукамалроқ очиб беришга ҳаракат қилинган.

Албатта инсоннинг руҳияти туйғулари унинг ботиний сифатини англайди.

Ана шу ҳолат инобатга олиниб, инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи ислоҳ кадриятлари ва диний маърифатни ибратнинг шаклланишидаги таъсирини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Мазкур масалани ёритишда Президент И.А.Каримовнинг "Кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни безавол саклашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади"<sup>1</sup>, - деган фикрини тадқиқот учун умумназарий асос қилиб олинганлиги ушбу бўлимда илгари сурилган назарий қарашларда ўз ифодасини топган.

Диссертацияда таъкидланганидек, диний илмлар инсонни руҳий ва маънавий юксакликка етакласа дунёвий илмлар дунё моҳиятини англаш, инсон тафуқурини шакллантириш учун хизмат қилади. Ислоҳ дини ва Куръон илмининг умрбоқийлиги шундаки, унда умуминсоний ва миллий кадриятлар бирдек мужассам бўлади. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ибрат йўли - диний илм, маърифат ва кадриятсиз поёнига етмайди, деган илмий-назарий хулосага келинган.

Аслини олганда тадқиқот мавзусининг ўзи унинг деярли барча бўлимлари муайян даражада диний-ахлоқий кадриятларининг, диний илм ва маърифатнинг мазмун моҳияти билан туташ.

Дарҳақиқат биз барча яхши ишларни диний-ахлоқий, маънавий-мафкуравий тарбия ҳамда ижтимоий амалиётдаги инсонпарварлик тамойиллари асосида эзгу амаллардан ибрат олган ҳолда амалга ошираемиз. Зеро, инсоннинг ўзи унга мансуб бўлган халқ, миллат урф-одатлари, эътиқоди, диний туйғулари оғушида яшар экан у булардан ибрат олиб,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 36.

улардаги муайян ибратомуз жихатларини ўзининг онгу-шуурига сингдириб боради.

Ислом динидаги ҳалолликка даъват, хушхулқликни эъзозлаш, ахлоқсизликни ҳар қандай кўринишига мурасасизлик, унинг маърифатидаги адолат, инсонпарварлик ғоялари инсон руҳини поклаб, диёнат, эътиқодини мустаҳкамловчи муҳим омил эканлиги тадқиқотда чуқур таҳлил қилинган.

Ислом кадриятлари ва маърифати инсон руҳиятини поклаш турли ахлоқсизликларни олдини олишга инсоният бошига ёғиладиган самовий офатлардан сақланиш касофат олами таҳдидларидан ҳимояланишга имкон берадиган манба эканлиги ривоятлар, тарихий далиллар, илоҳиёт илми вакилларининг панду-насихатлари, илм соҳибларининг нуқтаи назарлари таҳлил этиш асосида ёритиб берилган.

Ислом илоҳиёти ва маърифатида ибратга муносабат кўпроқ шахснинг ахлоқий дунёқараш ҳамда дину-диёнат, адолат, ҳалқпарварлик, инсонпарварлик ғояларида алоҳида кўзга ташланади.

Тадқиқотда ана шу принципал масала моҳияти ёритилиб, инсон ҳаёти давомида яхши хулқли ва фазилатли инсонлардан, инсон руҳиятини зийнатлайдиган воқелиқдан, табиатдаги уйғунликдан ажодлар мероси ва тарихий ўтмишдаги маънавиятдан ибрат олиш орқали, покдомонлик ва комилик зинасига кўтарилади, ҳамда ғазаб, нафрат, кибр-ҳаво, ҳасад, баднафслик кабилардан фориҳ бўлишлигини тасавуф илми намोёндалари, улуғ мутафаккирларнинг қарашларини қиёсий ўрганиш асосида очиб берилган.

**"Ибратнинг ҳаётий тамойиллари ва шахс баркамоллиги"** деб номланган диссертациянинг иккинчи боби иккита параграфни ўз ичига олиб, мазкур бобнинг биринчи параграфиди "Шахс фазилатлари такомиллида билим ва ибрат бирлиги" илмий тадқиқ этилган.

Унда қўйилган масалани мазмун-моҳиятини очиб бериш учун Ғарб ва Шарқнинг машҳур қомусий илм эгаларининг ибратга алоқадор ижтимоий-фалсафий фикрларини давримизнинг муҳим ижтимоий-ахлоқий масалалари, таълим-тарбия ва илм маърифат билан боғлаб таҳлил этишга ҳаракат қилинди.

Диссертацияда энг қадим замонларданок ақл ва ижтимоийлик, илм ҳамда маърифат инсон табиатини ташкил этувчи тамойиллар ҳисобланганлигини, чунки инсон руҳияти доимо илмга, эътиқодга билиш ва англашга эҳтиёж сезганлигини, илму-ҳикматга диний илмлар таснифида ҳам қатта ўрин берилганлигини илмий далиллар асосида ёритиб берилган.

Тадқиқотда мазкур масалани тадқиқ этишда илмий-тарихий манбалар билан бир қаторда бадиий адабиёт намуналари, мумтоз адабиётимиз асосчиси Алишер Навоийнинг ғоялари, буюк қомусий илм эгалари Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Абу Наср Фаробийларнинг илму-ҳикматни инсон фитратини созловчи омил эканлиги ҳақидаги ғояларини аниқ мисоллар асосида тадқиқ этилиб, билим ва ибрат бирлиги кўрсатиб берилган.

Зеро, билим ахлоқ-одобнинг асосий манбаи, муҳим таянч нуқтаси ва инсон ҳаётининг лаззатидир.

Кимнингки миждо-табиати бузуқ, тарбияси номақбул, пасткаш хулқ-атвор ғолиб келса, ундаги илмга ташналик, қизиқиш, унинг ғаройиб лаззатидан баҳраманд бўлиш имтиёзи ҳам камол топмайди. Илмга бўлган ҳар қандай интилиш, ижобий мойиллик, киши шахсни эъзозлаш ҳамда уни кадр-қиммати ва мартабасини улуғлайди.

Диссертацияда "Илм шундай ноёб мўжизаки, у манфаат изканжасига ҳеч қачон сиғмаган, сиғмайди ҳам"<sup>1</sup>, деган концептуал фикрни далиллаш унинг тарихий, ижтимоий-фалсафий мазмунини очиб беришга ҳам жиддий ёндашилган.

Тадқиқотда илм ва маърифат асосида шаклланган ибрат, у инсон маънавиятини юксалтиришга руҳиятини поклашга, унинг муайян юксак ғоя ҳамда мақсадга нисбатан эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қилади деган хулосага келинган.

Бобнинг "Ибрат – инсон ижтимоий қиёфасини шакллантирувчи маънавий-ахлоқий асос" деб номланган иккинчи параграфиди бугунги кунда долзарб масала бўлиб қолган ижтимоий қиёфани таркиб топтирувчи омилларни асослаш "қиёфасизлик" маънавий ахлоқий субитсизликдан сақланиш муаммолари тадқиқ этилган. Тадқиқотда шахс тарбиясида ибрат масаласига қанчалик атрофлича батафсил тўхталмасин, унинг ҳам ботиний, ҳам зохирий жихатларини, шахс камолатидаги ўрни ва аҳамиятини охиригача тўла очиб беришнинг имонияти йўқ. Шу боис мазкур масаланинг деярли барча томонлари маънавий ва маданий мерос билан алоқадорликдагина олиб қаралмоқда. Зеро, шахсни ибратга ундайдиган богиний куч ҳам миллий маънавиятимиз илдизлари билан туташ. Айниқса, бугунги кундаги ижтимоий воқелиқда учраб турадиган реал ҳодисалар ҳам тарбия ва ибрат манбаи бўлган миллий-маданий меросга таяниш зарур эканлигини англамоқда. Диссертацияда ана шу ғоянинг моҳиятини очиб бериш мақсадида, тарбия ҳамда ибратнинг ўзаро алоқадорлигига тўхталган. Ибратнинг миллий анъаналар, удумлар, халқ хунармандчилиги, касбкорлик билан боғлиқ томонлари тадқиқотда атрофлича ўрганилган ва қуйидаги хулосага келинган:

- ибрат ахлоқий тушунча сифатида чуқур тадқиқ этилиши, унинг инсон ижтимоий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни, миллий менталитет хусусиятлари асосида мунтазам ўрганилиши лозим;

- шахс маънавий қиёфасига таъсир этувчи глобал ўзгаришларда ижобий жараёнлардан ибрат олиш кўникмасининг ҳар бир жамият фуқаросида шаклланишига жиддий масала сифатида қараш лозим;

- ибрат тарбиясини ижтимоий-фалсафий ва социологик тадқиқ этиш орқали ёшлар маънавий қиёфасига таъсир этувчи ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий омилларни асослаш ва таълим жараёни, ижтимоий амалиёт, оилавий

<sup>1</sup> Жумахўжа Н. Илм - ҳалоллик майдони // Тафаккур. – Тошкент, 2007. – № 2. – Б.27.

турмуш тарзига сингдириб бориш зарур.

Диссертациянинг сўнгги учинчи боби "Глобализм – шахснинг дунёқараши ва ахлоқига таъсир этувчи кудратли куч" деб номланади. Мазкур бобнинг "Глобал ўзгаришлар шароитида шахснинг ибратга муносабатини шакллантирувчи асосий компонентлар" деб номланган биринчи параграфиди глобаллашув даврида шахснинг ибратга муносабатини шакллантирувчи компонентлар атрофлича қараб чиқилган, ундаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни асослаб беришга ҳаракат қилган. Диссертацияда муаллиф ибратни, замонавийлик билан боғлар экан, XXI асрда дунёда глобаллашув жараёни тобора авж олаётганлиги унинг ижобий таъсири билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали кишилар маънавий оламига таъсир курсатаётган салбий жиҳатлари, уларни одоб-ахлоқимизга зид томонлари илмий ва ижтимоий фалсафий мушоҳада асосида таҳлил қилиб берилган.

Тадқиқотнинг учинчи бобининг иккинчи параграфиди "Шахснинг шаклланишида ибрат ва тақлид, унинг оила маънавий муҳитидаги ўрни" масаласини ёритишга қаратилган бўлиб, унда ибрат – инсон ҳаётий фаолияти, турмуш кечинмалари, тажрибалари маслак, мақсад ва муддаоларининг мужассами сифатида инсон фитрати билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги нуктаи назар устиворлик қилган.

Инсоният тарихи – бу ўзаро муштарак икки ходисанинг, бир томондан, инсон билимлари, тафаккурининг, иккинчи томонидан инсон ижтимоий фаолияти алоқадорлигининг биргаликдаги тадрижидир.

Ана шу маънода инсон фазлу-камалида ибрат ва тақлидни ўрни ҳамда таъсирини инсоннинг табиатидан ажралган ҳолда тасавур қилиб бўлмайди.

Таассуфки, кўп ўринларда ибратдан кўра тақлид қилишга интилиш айрим шахслар фаолиятида яққол кўзга ташланади.

Шунга кўра ибрат билан тақлиднинг асосий ўхшашлиги фарқи ҳамда хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш шахсда фазилат ва ижобий хислатларнинг шакллантиришнинг энг мақбул йўллари аниқлаб олишга имкон беради.

Қолаверса тақлидни ибрат деб талқин этувчи айрим кишиларнинг айниқса хаваскор санъаткорлар, шоир ҳамда ёзувчиларнинг ижодий ишларига ойдинлик киритиш, ибратни таъсирчан кучини, тақлидни салбий жиҳатларини, ижтимоий амалиётдаги кўринишларини таҳлил этишга ҳам замин яратади.

Диссертация натижаларига кўра, ибратнинг тақлиддан асосий фарқи ибратда моҳиятнинг мавжудлигидир. Бинобарин шахснинг муайян жараён ходиса ҳамда воқеликдан ибрат олишнинг биринчи ва энг муҳим босқичи ана шу ходиса ёки воқеликнинг моҳиятини англашдан бошланади.

Тақлидда эса кўпроқ қизиқиш ҳамда иштиёқ туради. Қизиқиш билан иштиёқ юзак қараганда моҳият тарзида тушинилганлиги боис кўп ҳолларда кишилар ибрат билан тақлидни фарқи бормай қолади.

Юқоридаги таҳлиллardan келиб чиқиб, муаллиф тақлидга қуйидагича таъриф берилди. "Тақлид – индивиднинг мустақил шахс мақомига эришиши ва камолоти жараёнидаги ҳаётий кузатишлари, қизиқиши, иштиёқи ҳамда майлларини тизимлашмаган шакли бўлиб, унинг хулқ-одоби, тарбияси, билими, ўзига хос кўникмаси асосида таркиб топган истакларининг хиссий эмоционал тарзда намоён бўлиш шаклидир". Ўзига хос ахлоқий меъёр ҳисобланган бу икки тушунчани шахс фазилатида ё ибрат ва ёки тақлид тарзида ўрин олиши кўп жиҳатдан инсоннинг мустақам иродаси муддаолари ва энг муҳими ниятига боғлиқ.

Тадқиқотда ана шу фикрни моҳиятини шахс амалий фаолиятидаги эркинлиги ҳамда фуқаролик масъулияти билан ибратни боғлиқ томонларини тадқиқ этиш асосида кўрсатиб берилган.

## ХУЛОСАЛАР

Инсон маънавияти, ундаги ахлоқий фазилатлар, асосан, ўз халқининг миллий ва диний кадриятлари, урф-одатлари, турмуш тарзидаги ахлоқий нормалар, шунингдек, умумбашарий фазилатлар асосида шаклланади. Муайян халқнинг ёзма ва оғзаки бадий ижоди, адабиёт, санъат, илм аҳли, тарбиячи-устозларнинг ўғитлари, ибратомуз ҳикमतлар бу маънавиятнинг яна бойиб боришида катта роль ўйнайди.

Шунинг учун бизнинг миллий маънавиятимиз асоси бўлган, миллий кадриятларимиз, удумларимиз яшаш тарзимизда, меҳнат фаолиятимизда, дунёқараш ва ҳаётга муносабатимизда рўй бераётган ўзгаришларга монанд тарзда кишиларимизнинг ахлоқи ва одоби шаклланиб боради.

Ана шу монандлик, уйғунликни белгиловчи, боғловчи халқа ибрат ҳисобланади.

Ибрат категориясини, миллий маънавиятимизга, аждоқларимизнинг бадий ва илмий меросига нисбатан кишиларимизнинг ихлоси ва улардан ибрат олишга бўлган муносабатини таҳлил этиш анча мураккаб жараён. Табиийки, бундай кенг қамровли мавзунини илмий шарҳлаб бериш жиддий масъулиятни талаб этади.

Бунга турли фанларнинг мавзулари йўналишларидан келиб чиққан ҳолдагина эмас, шунингдек, турлича дунёқараш нуктаи назаридан ҳам ёндашиш мумкин. Мазкур диссертацияда ана шу йўналишлар ва нуктаи назарларнинг фалсафий жиҳати назарда тутилиб, ибрат тушунчаси, унинг моҳияти маънавий-ахлоқий, ижтимоий-тарихий негизлари ҳамда миллий урф-одатлар, анъаналар ва ҳозирги замон глобал жараёнлар билан алоқадорлиги илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилди.

1. Диссертацияда ибратнинг ахлоқий категория сифатида шаклланиш эволюцияси одамзод пайдо бўлгандан буён жисмоний, ақлий ва маънавий юксаклик намунаси бўлиб келгани ва ижтимоий таракқиёт натижасида

ибрат тушунчасининг ва ибратли воқеалар, жараёнлар доирасининг кенгайиб борганлиги фалсафий таҳлил этилди.

Ибрат яхшилик ва ёмонлик, билим ва нодонлик, эзгулик ва разолат, одоб ва ахлоқсизлик сифатида ботиний тасаввурдан зоҳирий амалда намоён бўлувчи тушунча, тимсол, намуна бўлиб ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳият касб этади.

Ибратнинг ижтимоий-тарихий асослари халқ ҳаёти, турмуш тарзи, илмий, адабий мероси, диний ва маънавий қадриятлари, анъана, расм-русум, жисмоний ва ахлоқий камолот сари интилиш эҳтиёжи билан боғлиқ эканлиги диссертациянинг асосий мазмун ва таҳлил объектини ташкил этди.

2. Халқимизнинг ибрат тўғрисидаги ахлоқий кодекси шаклланишида ислом динининг инсонпарвар қадриятлари, буюк алломалар мероси қанчалик катта роль ўйнаганлиги, Шарқнинг мумтоз шоирлари, мутафаккир олим ва фузалолари ибратни ақлий юксалиш, рухий-маънавий покланиш, ймон-этиқодни мустаҳкамловчи маънавий, виждон амри сифатида идрок этишгани диссертация материалларида ўз ифодасини топди.

Шарқ мутафаккирларининг ибрат бўйича фикр-мулоҳазалари инсонни илм соҳиби, билимдон ва тафаккур ила ҳар нарсани ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш лозимлиги ҳақидаги қарашлари фалсафий тадқиқ ва илмий таҳлил объектига айлантирилди.

3. Ҳанузгача илмий тадқиқот доирасига киритилмаган ибрат категориясининг мазмун-моҳияти, инсон такомиллидаги аҳамияти Миллий ғоя ва янги назарий-методологик асосда ечиб берилди. Ибратнинг ижтимоий-тарихий категория эканлиги, айна чоқда, идеал ахлоқий тушунча сифатида ажодлардан авлодларга ўтувчи, уларни янгидан янги билим, ижод, ҳунар ва ахлоқий юксакликка чорловчи ботиний куч, восита эканлиги фалсафий тадқиқ этилди.

Ибрат категориясининг мураккаб, ҳар бир шахс, гуруҳ, касб-ҳунар, миллат ва мамлакат миқёсида турланиши унинг ботиний ва зоҳирий имкониятлари индивидуал, айна чоқда, ижтимоий-маънавий ҳодиса эканлиги ҳаётий мисоллар асосида таҳлил этилди.

4. Диссертацияда тадқиқ этилган материаллар шундан далolat берадики, ибрат категориясининг мураккаблиги унинг шахс рухий-ақлий эҳтиёжи, қизиқиши, иштиёқи, ўрганишга қурби, ихлоси, ўрناق олишга таъби, хоҳиши ўтмиш ва замонавий ҳодиса, воқеа, қадрият, билим ва шахслардан ўзига ибрат тимсоли, объект танлашига олиб келади, деган хулоса чиқаришни тақозо этди.

Шунингдек, миллий менталитетимизни белгиловчи ислом қадриятларида юқори баҳоланган илмга, билимга нисбатан маънавий эҳтиёжнинг ибратни тарбиявий омил сифатида қарор топишидаги роли, шу тарика ибратга муносабат инсон эркинлиги ва ижтимоий масъулиятини

белгиловчи ймон мезон эканлиги тадқиқотимизда ўз аксини топди.

5. Ахлоқшуносликда яхшилик ва ёмонлик тушунчалари ёнма-ён идрок этилганидай, ибрат билан тақлид ҳам доимо ёнма-ён туради.

Ибрат юксаклик, ихлос уйғотувчи, ўзига жалб этувчи билимдонлик, ижод, олижаноб хулқ-атвор, ватанпарварлик, жасорат, инсонпарварлик, фидойилик, эзгулик ва ҳоказо фазилатларни ўзида мужассам этади. Улардан ибрат олиш авлодлар, халқларни янги илмий, ижодий, ахлоқий ва маънавий уфқлар сари чорлайди. Ибрат ибратни вужудга келтиради.

Ибратнинг тақлиддан фарқи – янгилик яратиш, тўғри хулоса ва сабоқларга эришиш, олдинги ҳолатда тўхтаб қолмасдан, такрорламасдан, ўз имконият даражасида олға силжишидир. Тақлид эса такрордан нарига штмайди. Масалан, тақлид адабиёт ва санъатда, халқ усталари фаолиятида кўпроқ учрайди. Бирор мумтоз шоир, адиб, расом, актёрга тақлид қилган ижодкор ҳеч қачон оригинал асар яратиш бахтига муяссар бўла олмайди. Буни яхши билган халқ амалий санъати усталари орасида “устоз-шогирд” анъанаси муайян ахлоқ-одоб белгиси сифатида шаклланган ва бу ҳақда кўплаб рисола ва насихатномалар битилган.

6. Диссертацияда ёшларга хос бўлган тақлидни қай даража ибрат томон йўналтиришнинг илмий-назарий ва амалий-тарбиявий жиҳатлари ҳам фалсафий жиҳатдан илмий тадқиқ этилди. Шунингдек, ўзбек оилаларига хос бўлган ота-она, опа-сингил, ака-ука, қариндош-уруғ, маҳалладаги ҳамжиҳатлик билан боғча, мактаб, олий ўқув юртларида олиб бориладиган тарбиявий ишлар тизимини мустаҳкамлаш ғояси ҳам тадқиқот хулосаларидан биридир.

7. Глобализация даврида жуда кўп нарсаларга нисбатан муносабат ўзгаргани туфайли ибрат масаласида ҳам муаммолар кўпайди. Тадқиқотда глобализациянинг жаҳон миқёсида ахборот ва билим тарқатиш имкониятларининг ортиши билан бирга унинг салбий оқибатлари ҳам мавжудлиги кўрсатилди.

Глобализация даврида ёшларни ибрат олиш ва ибратга бўлган муносабатларини миллий замин, мутафаккирларимиз мероси, диний қадриятларимиз, шоир ва адиблар ўғити, анъана, маросим ва расм-русумларимиз, миллий менталитетимизни белгиловчи илмга чанқоқлик, бағрикенглик, кечирувчанлик, сабр-бардошлик, меҳнатсеварлик, миллатпарварлик, жамоавийлик, ватанпарварлик, устозни ўз отасидай эҳтиром этиш сингари ибратли маънавийтимизга қаратиш ва шу руҳда тарбиялаш зарурияти диссертацияда ҳаётий мисоллар орқали фалсафий таҳлил қилинган.

Диссертацияда тадқиқ ва таҳлил этилган мантиқий-фалсафий ва ҳаётий материаллар мавзунинг нақадар долзарблигидан ташқари, бу масала янада кенг ва чуқур тадқиқ этилишини тақозо этади.

**Тадкикот натижаларига асосан, куйидаги тавсияларни бериш мумкин:**

1. Шахс маънавий камолотига хизмат қилувчи ибратнинг мазмун-моҳияти, уни шакллантирувчи омилларнинг тизимли таснифлаш илмий классификациясини кенг жорий этиш зарур. Шунда социологик тадқиқот орқали ёш, жинс, шахс, эҳтиёж, касб-корлар ўртасидаги ибрат бўйича фарқ ва муштарак жиҳатлар конкретлашади, илмий-амалий аҳамияти ортади. Ана шунда ибрат ва тақлид тушунчаларининг нафақат фалсафий, балки социологик, психологик ва тарбиявий асосларини очиб беришга доир фундаментал тадқиқотларнинг пайдо бўлишига эришилади.

2. Оила ибратнинг муҳим манбаи эканлигига асосланиб, ёшларни ажодлар меросига ибратли қилиб тарбиялашда оиланинг ўрни ва мавқеини ошириб бориш, унинг ижтимоий институтлар, таълим муассасалари билан алоқасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон телевидениесида “Ибратли оилалар” телекўрсатувини мунтазам ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

3. Аждодларимизнинг диний, илмий ва бадий ижодий меросига чуқур ҳурмат ва ихлосни ёшлар қалбида камол топтириш учун “Мерос, ворисийлик ва ёшлар” мавзусида намунали оила соҳиблари, уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийлар билан учрашувлар, бадий кечалар ўтказишни вилоят, шаҳар маънавият маркази, таълим муассасалари йиллик иш режаларига киритиши ҳамда унинг ижросини таъминлаши даркор.

4. Ибрат тарбиясини таъминлаш мақсадида Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг ажодлар меросини ўрганишга доир ишларни ўзаро мувофиқлаштириш, ўқув адабиётлари ва дидактик материалларни тайёрлашда ибратга доир маънавий хазинамиздан самарали фойдаланиш долзарб вазифадир.

5. Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти илмий ишлари режасига ибратнинг фалсафий моҳияти, хусусан, ихлос, ибрат, тақлид тушунчаларининг гносеологик жиҳатларини ёритувчи мавзуларни режалаштириш, олий ўқув юртларидаги фалсафа кафедраларининг ўқув дастурлари тизимига ибрат таълими ва тарбиясига доир курслар, махсус ўқув машғулотларини киритиш, ибрат бўйича илмий, илмий-оммабоп китоблар, ўқув қўлланмалари яратиш шу куннинг илмий-амалий талабларига мос келади.

6. Вилоятларда “Олтин мерос” жамғармаси ёрдамида “Халқ удумлари – ибрат манбаи” мавзусида илмий анжуманлар ташкил этиш, аҳоли орасида тарғибот ишларини кенгайтириш лозим.

7. Глобаллашув даврида ёшлардаги иштиёқ, ихлос ва ибрат туйғуларининг барқарорлигини назарда тутган ҳолда глобаллашувнинг зарарли таъсирларидан ҳимоялашда, уларнинг кизикиши, салоҳияти, интеллектуал имкониятларига жиддий эътибор қаратиш, ёшларда интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини юксалтиришда, аввало, уларни

оиладаги муҳитда, мактаб, олий ўқув юрти ҳамда маҳалладаги ибратли ҳаёт сабоғига эга бўлган кишилар таъсирида бўлишига шарт-шароит яратиш лозим.

8. Глобаллашувнинг салбий таъсиридан жамият фуқароларини муҳофазалашда маҳаллий ҳокимият, унинг вакиллик органлари, диний-маърифий идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг мазкур масаладаги фаолиятларини ўзаро мувофиқлаштириш замон талабидир.

Диссертацияда берилган тақлиф ва тавсиялардан ўз ўрнида изчил фойдаланиш ибратнинг шахс маънавий-ахлоқий баркамоллигини юксалтиришдаги имкониятларини янада кенгайтиради, жамият миллий маънавияти янада сайқал топишига хизмат қилади.

## ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аманлаев А.Х. Оилада ибрат тарбияси ва уни амалга ошириш усуллари (услубий кўлланма). –Тошкент: Юрист – медиа. 2010. – 24 б.
2. Аманлаев А.Х. Ибрат ва тақлиднинг оила маънавий муҳитидаги ўрни. // Фалсафа ва ҳуқук. – Тошкент, 2010. - Махсус сон. –Б. 38-40.
3. Аманлаев А.Х. Ибрат ва унинг шаклланиши ҳамда шахс ахлоқий фазилатига таъсирининг ижтимоий –тарихий асослари. // ЎЗМУ хабарлари. – Тошкент, 2011. – 4- сон. –Б. 207-209.
4. Аманлаев А.Х. Ислому кадриятлари ва маърифатида ибрат масаласи. // Халқ таълими. – Тошкент, 2010. – 4- сон. –Б. 118-121.
5. Аманлаев А.Х. Оилада ахлоқий тарбия ва ижтимоий муҳит. // Бошланғич таълим. – Тошкент, 2010. – 7- сон. –Б. 2-3.
6. Аманлаев А.Х. Ахлоқий тарбия ва ижтимоий муҳит // Қазақстану. – Қозоғистон, 2010. – № 3-4. – Б. 110-112.
7. Аманлаев А.Х. Оилада ахлоқ тарбияси ва ижтимоий муҳит / Ёшларнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни. Халқаро илмий конференция. -Тошкент, 2007.–Б. 43-45.
8. Аманлаев А.Х. Ибратнинг шахс ахлоқий камолотидаги ўрни. / Маънавият ва мафкура: муаммо, ечим, тарғибот. –Тошкент, Ношр, 2008. –Б. 49-51.
9. Аманлаев А.Х. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш масалалари / Ёшлар ижтимоий тараққиёт мавзусидаги республика илмий назарий анжуманлари материаллари. –Тошкент, 18.12.2008 –Б. 68-69.
10. Аманлаев А.Х. Бирни кўриб фикр кил / Ёшларимиз ҳақида ўйлар. – Тошкент, Алишер Навоий номидаги ЎзМК. 2009. –Б. 34-38.
11. Аманлаев А.Х. Тарбияда ибрат ва тақлид муаммолари / Юксак маънавият – жамият тараққиёти ва барқарорлигининг асоси. –Тошкент, Алишер Навоий номидаги ЎзМК, 2009. –Б. 48-46.
12. Аманлаев А.Х. Ибрат тарбияси - миллий гоёни ёшлар онгига синдиришнинг асосий омили / Глобаллашув, миллий гоё ва мафкура. – Тошкент, 2009. –Б. 87-89.
13. Аманлаев А.Х. Оилада хулқ тарбияси ва унга таъсир қилувчи омиллар / Мирзо Улугбек номидаги СДМҚИ Архитектура ва қурилиш соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг долзарб муаммолари мавзусидаги профессор-ўқитувчи, ёш олимларнинг республика илмий-назарий конференцияси материаллари 2-қисм. (2009 йил 28-29 апрел) – Самарканд, 2009. –Б. 58-59.
14. Аманлаев А.Х. Глобал ўзгаришлар шароитида шахснинг ибратли ишларга муносабатини шакллантирувчи асосий компонентлар / Глобаллашув жараёнида шахс тарбияси тўплам. –Тошкент, 2010. –Б.6-13.
15. Аманлаев А.Х. Ибратнинг шахс ижтимоий қиёфасини шакллантиришдаги ўрни / Баркамол авлодни тарбиялаш юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг алоқадорлиги: тажриба, муаммо ва ечимлар. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 14.03.2011. –Б. 136-140.

Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасига талаблар Аманлаев Абдурасул Хакимовичнинг 09.00.05 - Этика ихтисослиги бўйича "Ибратнинг шахс маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрни" мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕСИ

**Таянч сўзлар:** ибрат, тақлид, фаросат, мақсад, мерос, урф-одат, анъана, эътиқод, диёнат, имон, ахлоқ, диний-ахлоқий кадрият, бағрикенглик, мафкуравий иммунитет.

**Тадқиқот объектлари:** шахс тарбиясида ибрат ва шахс маънавий камолатининг ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий муаммолари, ибратни шаклланишида оила ҳамда жамоатчилик ташкилотларнинг ўрни, ибратнинг ижтимоий-тарихий ва фалсафий негизлари, шахснинг маънавий камолотида миллий кадриятлар ва урф-одатлар, миллий таълим-тарбия ва ибратнинг роли ва аҳамияти масалалари.

**Ишнинг мақсади:** Ибрат ва унинг шахс маънавий камолотида таъсирини ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий жиҳатдан тадқиқ этиш.

**Тадқиқот усуллари:** солиштириш, таққослаш, кузатиш, мантиқий ҳукм, хулоса чиқариш, аналогия, индуктив ва дедуктив метод, таҳлил (анализ), синтез (умумлаштириш).

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** илмий-тадқиқот соҳасида илк бор ибрат ва тақлид тушунчалари илмий истеъмолга киритилган, уларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган, таъриф ва тавсифлари ишлаб чиқилган, уларнинг шахс маънавий камолотидаги ўрни ва аҳамияти асослаб берилган. Шахсда ибрат тарбиясини такомиллаштиришга доир концептуал илмий, назарий услубий таълимотлар таҳлил қилиниб, унга доир амалий тақлифлар ва хулосалар берилган.

**Амалий аҳамияти:** Назарий ва услубий жиҳатдан шахс маънавий-ахлоқий камолотида ибратнинг таъсири ва ўрни очиқ берилди. Ибрат ва тақлиднинг келиб чиқиши назарий асосланди. Ундаги тарихийлик ва замонавийлик уйғунлиги таҳлил этилди. Ибратнинг шахс дунёқараши ва маънавиятига ўтказадиган таъсири ёритилди.

**Татбиқ этиш даражаси ва ихтисодий самарадорлиги:** Диссертация тадқиқотининг натижалари А.Қодирий номи Жиззах давлат педагогика институтида "Ахлоқшунослик", "Кадриятлар фалсафаси", "Маънавият асослари" фанларидан дарс ўтишда материал сифатида хизмат қилмоқда. Ёшлар ўртасида ахлоқий-маънавий ишларни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган тавсиялар ва тақлифлардан "Қадрият" тўғараги фаолиятида Жиззах вилоятида "олтин мерос" жамғармаси тасарруфида "мерос-ибрат асоси" руҳида дастурлар ишлаб чиқишда, маҳаллаларда маънавий-маърифий кечаларни ўтказишда фойдаланилмоқда.

**Кўлланиш соҳаси:** Илмий назарий изланишларда, олий ўқув юртралида махсус курс ва ўқув дастурлари ишлаб чиқишда, маънавият, мафкура, таълим ва тарбия тизимида, нодавлат ташкилотлари фаолиятида, миллий маданий мерос ва кадриятларни тарғиб этишда, аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбияга муносабатни такомиллаштиришда телекурсатув ва радио эшиттириш маънавий-маърифий дастурларини тузишда, оммавий ахборот воситаларида, кўрик-танловлар, оммавий байрамлар ташкил этишда.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Аманлаева Абдурасула Хакимовича на тему: «Место примера в духовно-нравственном развитии личности» на соискание ученой степени кандидата философских наук по специальности 09.00.05 - Этика.

**Ключевые слова:** пример, подражание, цель, наследие, традиция, обряд, честь, достоинство, вера, нравственные ценности, толерантность, идеологический иммунитет.

**Объекты исследования:** пример в воспитания личности, социально - философские и нравственные проблемы духовного развития личности, место семьи и общественных организаций в формировании примера, философские и социально исторические корни примера, роль и значение примера, национальных обрядов, традиции и воспитательной – образовательные мероприятия в духовном развитии личности.

**Цель работы:** исследовать социально – философские и нравственные аспекты влияния примера на духовное развитие личности.

**Методы исследования:** сопоставления, сравнения, наблюдения, аналогия, логическое заключение, индуктивный и дедуктивный метод, анализ и синтез.

**Полученные результаты и их новизна:** в сфере научного исследования первые вводятся в научный оборот понятия примера и подражания, раскрывается суть и содержание, дано определение и характеристика понятия, обосновано её место и значение в духовном развитии личности.

Анализирующая научно – теоретические и методические концепции, разработаны практические рекомендации по совершенствованию форм и методов примерного воспитания личности и сделаны соответствующие выводы.

**Практическая значимость:** Раскрыты научно – методические аспекты и значение примера в духовно – нравственном развитии личности. Научно обоснованно возникновение примера и подражания, проанализировано соотношение исторического и современности, раскрыт воспитательное воздействие примера на мировоззрение и духовность личности.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** Результаты исследования были внедрены при чтении курсов «Этика», «Философия ценностей» и «Основы духовности» в Джизакском Государственном педагогическом институте им. А.Кадыри. Кроме того, результаты исследования были широко использованы в деятельности кружка «Ценность» областного фонда «Олтин мерос» и духовно-просветительских работах махаллинский комитетов г.Джизака.

**Область применения:** в научно – теоретических исследованиях, при разработке учебных программы спецкурсов для высших учебных заведений, учебного – воспитательные и духовно – идеологические системы, деятельность в негосударственных учреждениях, пропаганда национально – культурного наследия и ценностей, при составлении и духовно – просветительских программ для теле-радиовещания, массовые средства информации и т.д.

## RESUME

Thesis of Amanlayev Abdurasul Hakimovich on the scientific degree competition of the doctor of philosophy on speciality 09.00.05 -Ethics, subject: "Exemplary set and its role in spiritual-moral person's maturity"

**Key words:** exemplary set, imitation, the purpose, a heritage, tradition, a ceremony, honour advantage, belief, religious-moral values, tolerance, ideological immunity.

**Subjects of research:** an exemplary set role in education of the person, socially-philosophical and moral spiritual development of the person, a place of a family and public organizations in exemplary set formation, philosophical and socio-historical roots of an exemplary set, a role and value of an exemplary set, national ceremonies, traditions and educational actions in spiritual development of the person.

**Purpose of work:** to research socially-philosophical and moral aspects of influence of an exemplary set on spiritual development of the person.

**Methods of research:** comparison, supervision, analogy, the logic conclusion, the induction and deduction, the analysis and synthesis.

**The results obtained and their novelty:** in sphere of scientific research for the first time "exemplary set" and "imitation" are entered into a scientific turn of concept, their essence and the maintenance reveals; definition and the exemplary set characteristic is made, its place and value in spiritual development of the person is proved; at the analysis of scientific-theoretical and methodological concepts, practical recommendations about perfection of forms and methods of approximate education of the person are developed and corresponding conclusions are drawn.

**Practical value:** scientifically-methodological aspects and value of an exemplary set in spiritually-moral development of the person are opened; exemplary set and imitation occurrence is scientifically proved, the history and present parity is analyzed, educational influence of an exemplary set on outlook and spirituality of the person is opened.

**Degree of embed and economic affectivity:** results of research have been introduced at reading of courses "Ethics", «Philosophy of values» and «Bases on spirituality») at the Djizak State Pedagogical Institute named after A.Kadyri. Besides, results of research have been widely used in activity of a circle "Value" of regional fund «Oltin meros» and in spiritually-educational work of makhalla committees of Djizak.

**Field of application:** in scientific-theoretical researches, by working out of curriculums, special courses for higher educational institutions, in teaching and educational and spiritually-ideological systems, in activity of non-government establishments, in propagation national-cultural heritage and values, at drawing up of spiritually-educational programs for TV, radio broadcasting, mass media etc

Босишга рухсат этилди 05.04.2012. Ҳажми 1,5 босма табок.  
Бичими 60×84 1/16. Адади 100 нусха. Буюртма 67.  
М.Улужбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети  
босмахонасида чоп этилди.